

9-синф

Баён матни

Ўқувчи учун топшириқ

Матнни тингланг.

1. Матннинг тури (типи) ва услуби (стили) сақлаган ҳолда батафсил баён ёзинг.

Бахт калити

Бир савдогар ўғлини энг катта донишманднинг ҳузурига бахтнинг калити – сирини билиб келиш учун жўнатибди. Йигит саҳрода қирқ кун йўл юрибди ва ниҳоят, улкан тоғнинг тепасида ҳаддан зиёд мухташам бир қасрни кўрибди. У қидирган донишманд шу қасрда яшар экан.

Кутганига зид ўлароқ қаср авлиё одамнинг хилват гўшасига ўхшамасди. Унинг ичи одамга тўла эди: савдогарлар молларини мақтаб ҳар томон югуришар, бурчакларда одамлар гурунглашар, созандалар нафис куйни ижро этар, залнинг ўртасида каттакон стол, унинг усти бағоят хуштаъм ноз-неъматларга тўла эди.

Донишманд шошмасдан меҳмонлар билан кўришиб чиқди. Йигит навбати келишини икки соатча кутиб қолди.

Ниҳоят, донишманд йигитнинг нима мақсадда келганини билди, лекин ҳозир унга бахтнинг калити – сирини нимада эканини тушунтириб беришга вақти йўқлигини айтди. Донишманд йигитга чиқиб қасрни томоша қилишни ва икки соатлардан кейин бу ерга қайтиб келишини буюрди.

“Сендан яна бир илтимосим бор, - деди у йигитга ичига икки томчи ёғ солинган чой қошиғини узатиб. – Бу қошиқни ўзинг билан олиб юр, фақат эҳтиёт бўл, ичидаги ёғи тўкилиб кетмасин”.

Йигит қошиқдан кўзини узмасдан қасрни айланди, унинг зиналаридан тепага кўтарилди ва паства тушди. Ниҳоят, донишманднинг рўпарасида яна намоён бўлди.

“Хўш, қалай, - деб сўз қотди донишманд. – Қошонадаги форс гиламлари сенга манзур бўлдими? Боғбонлар ўн йилдан бери парвариш қилаётган боғдаги гуллар ва дарахтлар ёқдими? Кутубхонадаги қадимий китоблар ва нодир қўлёмалар-чи?”

Ҳижолатдан қизариб кетган йигит буларнинг ҳеч қайсисини кўрмаганини тан олди. Негаки, унинг бутун диққат-эътибори донишманд унга ишониб топширган икки томчи ёғда бўлган экан.

“Бор, орқангга қайт, менинг уйимдаги ҳамма мўъжизаларни кўриб кел, - дебди донишманд. – Одам қаерда ва қандай яшашини билмай туриб, унга ишониб бўлмайди.

Қўлида қошиқча билан йигит яна қаср бўйлаб айлана бошлабди. Бу гал у ўзини анча эркин ҳис қилибди ва хоналарни бе­заб турган ҳамма ноёб ва ғаройиб нарсаларни кўрибди. У боғларни ва қаср теварагидаги тоғларни томоша қилибди, гуллар жозибасидан ва моҳирлик билан жойлаштирилган ҳайкал­лару расмлардан баҳра олибди. Донишманднинг ҳузурига қайтиб келиб, кўрган нарсаларининг ҳаммасини санаб берибди.

“Мен сенга қошиқчада берган ёғ қани?” – деб сўрабди. Шу чоқ йигит қараса-ки, ёғ тўкилиб кетган экан.

“Сенга беришим мумкин бўлган ягона мас­лаҳатим ҳам шу, - дебди донишманд. – Бахтнинг калити – сирини ана шунда: бу дунёни бе­заб турган, унга жозоба, ажиблик ато этиб турган нимаики бўлса, ҳаммасини кўра билмоқ керак ва айни чоқда ўша чой қошиқдаги икки томчи ёғни ҳам зинҳор унутмаслик зарур”.

(364 сўз) “Муштум” журна­лидан

2-топшириқ. Тингланган матн бўйича ўз нуқтаи назарингизни ифодаланг.